

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИҚТИСОДИЁТ VAZIRЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

502 Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сон қарори (рўйхат рақами 1901, 2009 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 7-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомнинг 10-бандидаги «Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини» деган сўзлар «Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 10 сентябрь,
84-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2013 йил 10 сентябрь,
48-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 10 сентябрь,
2013-38-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.